

7. Гамидуллаева, Л.А. Разработка моделей описания и решения задач управления бизнес-инкубатором как социально-экономической системой: автореф. дис. ... канд. экон. наук: 05.13.10 / Гамидуллаева Лейла Айваровна. - М, 2009. -19 с.

8. Оганесян, В.Г. Развитие технопарков и бизнес-инкубаторов в системе инновационного предпринимательства: автореф. ... дис. канд экон. наук: 08.00.05 /Оганесян Виген Гагикович. - СПб., 2011 г. - 20 с.

9. Берр Х., Александрова Н. Бизнес-инкубаторы как инструмент содействия развитию экономики на муниципальном уровне. СПб.: 2000.

10. Маркварт Э. Бизнес-инкубаторы в системе поддержки малого бизнеса: российский и международный опыт. М.: 2001.

11. Синицкий Д.А. Бизнес-инкубирование: приоритеты развития // Бизнес-инкубирование и муниципальная политика. Бюллетень. М.: 2003.

12. Сошникова Е.А. Бизнес-инкубирование в промышленной сфере (бизнес – инкубаторы и крупные промышленные предприятия) // Бизнес-предложения. 2003. № 2.

13. Сошникова Е.А. О развитии бизнес-инкубаторов в России // Бизнес-предложения. 2002. № 4.

14. Ясин Е.Г. Модернизация и общество [Текст]: докл. к VIII Междунар. науч. конф. Модернизация экономики и общественное развитие./ Е.Г. Ясин; М.: ГУ ВШЭ, 2007. С 6.

15. Интернет маълумотлари. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Бизнес\\_инкубатор](https://ru.wikipedia.org/wiki/Бизнес_инкубатор).

16. Ш. Нарзуллаев. М. Байманов. "Ўзбекистон Республикасида бизнес инкубатор фаолиятини ривожлантириши омили" номли мақола. Касб-хунар таълими илмий услубий, амалий, маърифий журналнинг 2020 йил 3-сон.

## ҚУРИЛИШДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

**Сиддиқов Мумин Юнусович -**

Жиззах политехника институти "Иқтисодиёт ва менежмент" кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Мазкур мақолада қурилиш соҳасидаги услоҳотлар, бу борада тадбиркорлик фаолияти ривожини, муаммолар, уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган. Ёшларни мазкур соҳадаги замонавий мутахассисликлар ва касб-хунарларга тайёрлашни стратегик ёндашувлари бўйича амалий тавсиялар илгари сурилган.

**Асосий тушунчалар:** қурилиш, лойиҳалаш, меҳнат, қурилиш-монтаж, тадбиркорлик, инвестиция, касбий фаолият, пудратчи.

## НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОГО РАЗВИТИЯ В СТРОИТЕЛЬСТВЕ

**Сиддиков Мумин Юнусович -**

Джизакский политехнический институт Старший преподаватель кафедры "Экономики и менеджмента"

**Аннотация:** В данной статье представлены реформы в сфере строительства, развитие предпринимательства в этой сфере, проблемы, предложения и рекомендации по их решению. Выдвинуты практические рекомендации по стратегическим подходам к подготовке молодежи к современным специальностям и профессиям в этой сфере.

**Ключевые слова:** строительство, проектирование, труд, строительно-монтажные работы, предпринимательство, инвестиции, профессиональная деятельность, подрядчик.

## SOME ISSUES OF ENTREPRENEURIAL DEVELOPMENT IN CONSTRUCTION

**Siddikov Mumin Yunusovich -**

Djizak Polytechnic Institute Senior lecturer of the Department of Economics and Management

**Abstract:** This article presents reforms in the field of construction, the development of entrepreneurship in this area, problems, proposals and recommendations for their solution. Practical recommendations were put forward on strategic approaches to preparing young people for modern specialties and professions in this area.

**Key words:** construction, design, labor, construction and installation work, entrepreneurship, investment, professional activity, contractor.

**Кириш.** Жаҳонда глобаллашув ва кескин рақобатчилик жараёнлари кечаётган бир шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) субъектлари дунё мамлакатлари иқтисодиётининг драйвери сифатида майдонга чиқмоқда. 2018 йилда Европа давлатларидан

Италияда 3,6 млн., Францияда 2,8 млн., Испанияда 2,4 млн. ва Германияда 2,3 млн.та КБХТ субъектлари фаолият кўрсатди. Айниқса, қурилиш тармоғида КБХТнинг роли тобора ортиб, ЕИ давлатларида, айниқса, Буюк Британияда иқтисодиётнинг қурилиш тармоғи савдо (6,5

млрд. АҚШ долл.) ва ишлаб чиқариш (2,3 млрд. АҚШ долл.) дан кейин 1,31 млрд. АҚШ доллари оборот билан 3-ўринни эгалламоқда[1].

Мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда барча соҳалар каби қурилиш соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Мазкур соҳани янада такомиллаштиришга қаратилган ҳукумат ва давлат раҳбарининг фармон ҳамда қарорлари, қабул қилинган давлат дастурлари, улар ижросини таъминлаш, ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилётган тадбирлар натижада бунёдкорлик кўламлари тобора кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралда тасдиқлаган ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони асосида ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” деб номланган 4-қисми 4.1 бандида яқин беш йилда аҳолини иш билан бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш, бунинг учун эса: “...янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблиги ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш” амалга оширилиши муҳим ҳисобланган устувор йўналиш сифатида белгиланган бўлиб, бундай мақсадларга эришиш учун “...меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш” каби вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилади [2].

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кенг қўллаб-қувватланиши натижасида уларнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ортиб, барқарор ўсиш суръатларида ўз ифодасини топмоқда. Жумладан “...кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши қарийб 56,5 %, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 45,3 %, қишлоқ хўжалигида 98,2 %, қурилиш ишлари ҳажмида 67,8 %, савдода 89,6 %ни ташкил этмоқда. Шунингдек, фаолият кўрсатаётган КБХТ субъектлари сони 218170 тани ташкил этиб, унда иқтисодиётда жами банд бўлганларнинг 78,2% меҳнат фаолияти билан банд бўлмоқда” [3, 196.]

Қурилишга доир меъёрий ҳужжатлар, жумладан, шаҳарсозлик қоидалари ва қурилиш меъёрларининг аксарият қисми собиқ тузум давридан бери янгиланиб маҳаллий шароитга

мосланмаганлиги туфайли, ушбу меъёрларни ривожланган мамлакатлар талабларига мослаштириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Мустақиллик йилларининг дастлабки йилларидаги аҳоли сони 17 миллион атрофида бўлган ҳолда 2021 йил ҳолатига аҳоли қарийб 34 миллионга тенглашиб бормоқда. Бунинг негизида мамлакатимизда шаҳарларнинг бош режалари, қишлоқларда архитектура-режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш замон талабига жавоб бермаяпти. Бундан ташқари, қурилиш ва лойиҳалаш бўйича кадрлар тайёрлаш сифати ривожланган давлатлардан орқада қолиб кетмоқда. Эришилган ижобий натижаларнинг қониқарли эмаслиги, қурилиш соҳасида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишидаги камчиликлар, ёшларни мазкур соҳадаги замонавий мутахассисликлар ва касб-хунарларга тайёрлашни стратегик ёндашувлари (йўналишлар) бўйича амалий ва илмий тадқиқотлар рақамли бозор иқтисодиёти талаблари асосида етарлича олиб борилмаган.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан таъкидланганидек, “...мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни чуқур таҳлил этиш, ечимлари бўйича таклиф ишлаб чиқиш, ижроси устидан жамоатчилик назоратини таъминлашга ижтимоий буюртма асосида нодавлат нотижорат ташкилотлари кенг жалб этилади. Бундай ҳамкорликни, энг аввало, таълим, маданият, тиббиёт, қурилиш, коммунал хўжалиги, ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаларда кенг жорий этиш мақсадага мувофиқ бўлади. Бу ишларни ташкил этиш учун келгуси йилда 60 миллиард сўм йўналтирилади. [4.]

Юқорида қайд этилган дозарб муаммоларни ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида ҳал этиш бўйича илмий-амалий асосланган хулосалар ва тавсияномалар ишлаб чиқиш мамлакат иқтисодиёти олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.**

Қурилиш соҳаси ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва миллий иқтисодиётни комплекс юксалтиришда катта роль ўйнайди. Қурилишнинг миллий хўжалик миқёсидаги аҳамияти ва етакчи роль ўйнаши, аҳолининг катта қисмини иш билан таъминлаши, фан-техника ва ижтимоий тараққиётнинг жадаллашувига, мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошишига олиб келади.

Олимларнинг фикрича “Қурилиш, моддий ишлаб чиқариш тармоғи сифатида, аввало ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг характери, яъни унинг кўчмаслиги, ўлчамлари, катталиги, серқирра ва мураккаблиги билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларга эгадир. Қурилиш маҳсулоти кўп меҳнат ва капитал сарфхаражатларни талаб

қилиб, уни ишлаб чиқариш даври узоқ муддат-лидир” [5].

Халқаро экспертларнинг маълумотларига биноан, жаҳон ялпи ички маҳсулотининг ўсиш ҳажми йил бошида 2,5 фоизни ташкил этиши прогноз қилинган бўлса, пандемия оқибати ушбу ўсиш сурати 1 фоизга қисқариши маълум қилинмоқда. Пандемиянинг хизматлар соҳасига таъсирини кузатадиган бўлсак, ривожланган мамлакатларда меҳмонхона, ресторан ва авиаташувлар ҳажми 13-18 фоизга, қурилиш хизматлари 1-7 фоизга, чакана ва умумий савдо хизматлари 4-16 фоизга ва бошқа бевосита инсон омили билан боғлиқ баъзи хизмат турларининг 31 фоизгача қисқариши мумкинлиги прогноз қилинмоқда [6].

Юқоридаги маълумотдан кўриниб турибдики, қурилиш хизматлари соҳасининг ривожланиши фақатгина республикамизда эмас балки, хорижий давлатларда ҳам ўзига хос ривожланишни ҳисобга олган ҳолда эътибор кучайтиришни талаб қилади.

Ўзбекистонда ҳам бугунги кунда 24,1 мингдан ортиқ қурилиш корхоналари фаолият кўрсатиб уларнинг 98 фоизини кичик бизнес субъектлари ташкил қилади. Биргина, 2018 йилда 38,1 минг КБХТ субъектлари ташкил этилган бўлса, уларнинг 13 фоизи ёки 4953 таси қурилиш соҳасига тўғри келгани ҳолда умумий қурилиш ишларининг 41 фоизи КБХТ секторидан, мамлакат ЯИМнинг 9,7 фоизи эса бевосита қурилиш тармоғида яратилди [7].

Б.Ражабовнинг эътирофи этишича “Пандемиянинг салбий таъсирида юзага келган инқироз ҳолатидан чиқиб кетишда қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, қурилиш соҳасига инвестицияларнинг киритилиши истиқболдаги иқтисодий ўсиш сабабчиси бўлиши мумкин” [8].

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўлган қурилиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш каби соҳалардаги тадбиркорлик субъектлари иш фаолиятларини ривожлантириш бўйичаташкилий-иқтисодий чора-тадбирлар белгиланмоқда. Ушбу муаммолар ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги «Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5392-сон фармони қабул қилинди. Мазкур қонунчилик ҳужжатида асосан, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси негизида Ўзбекистон Қурилиш вазирлиги ташкил этилди. “Вазирликнинг асосий вазифалари этиб - шаҳарсозлик ва қурилиш учун муҳандислик-техник изланишлар соҳасида ягона илмий-техникавий сиёсатни олиб бориш, республика ҳудудида аҳолини жойлаштиришнинг бош схемасини, Қорақалпоғистон Республикаси, ви-

лоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар ҳудудларини режалаштириш схемаларини, аҳоли пунктларининг бош режаларини ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни ташкил қилиш, уларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг юритиш, шаҳарсозлик соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш (ва бошқа қатор йўналишлар) белгиланди” [9].

Шу билан бирга ушбу сананинг ўзида “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3646-сон Қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжат билан «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» давлат унитар корхонаси ташкил этилиши белгиланди. Унга кўра, белгиланган тартибда шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизасини ташкил этиш ва ўтказишни таъминлаш, архитектура-режалаштириш ва шаҳарсозлик ечимлари даражасини ошириш, лойиҳа иши ва қурилиш ишлаб чиқаришини такомиллаштириш, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида илғор тажрибани ўрганиш ва оммалаштириш каби асосий вазифалар бириктирилди.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида қурилиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолияти ривожини, бўйича иқтисодий ислохотлар ва нисбатларни ўрганишга илмий-тадқиқотнинг танланма адабиётлар таҳлили, диалектик ва тизимли ёндашув, комплекс баҳолаш, қиёсий ва солиштирма таҳлил, таққослаш, гуруҳлаштириш каби усулларидадан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, шу соҳадаги бозорлар фаолиятини кучайтириш, қурилиш материаллари савдоси фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорларга кенг имкониятлар яратиш, музлатилган инвестиция лойиҳалари, бино ва объектлар қуриш ишларини эркинлаштириш, молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги №5392 сонли “Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони архитектура ва қурилиш соҳасини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш ҳудудларнинг замонавий қиёфасини шакллантириш, ҳаёт ва тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган шаҳарсозлик фаолиятини сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришнинг муҳим қонунчилик ҳужжати бўлди. Шу билан бирга, қурилиш соҳасида давлат бошқарувини ташкил этишда замонавий шаҳарсозлик услублари, нормалари ва қоидаларини кенг жорий қилишга, рақобатни ривожлантиришга, янги субъектларнинг инновацион ғоялар, ишланма-

лар ва технологиялар билан бозорга кириб келишига тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммоларни бартараф этиш белгиланди ва натижада тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаоллигини ривожлантиришга эътибор қаратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги ПҚ-4227-сон қарорини ижро этиш мақсадида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 июлдаги 566-сонли қарори билан ўтган йили 1 сентябрдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари, уларнинг эгаларига меҳнат стажини ҳисобга олиш ва рағбатлантирувчи имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқи берилишини назарда тутадиган тартиб жорий қилинганлигини таъкидлаш лозим. Мазкур қарор билан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ уй хўжалигини юритиш ва уй ишларини амалга ошириш, мураккаб бўлмаган умумий қурилиш, таъмирлаш ишларини бажариш каби бир қатор хизматлар келтирилганлиги норасмий сектордаги фуқароларни ўзини ўзи банд қилишида муҳим аҳамият касб этади [10].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 февралдаги 55-сон қарорига мувофиқ қурилиш соҳасида танловларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низом ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра қурилиш-пудрат ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш ва қурилиш ишлари сифатини ошириш мақсадида:

- қурилиш-пудрат ташкилотларининг фаолиятини баҳолаш рейтинги жорий этилади;
- ташкилотларнинг ихтисослашуви, қурилиш-монтаж ишлари турлари, доимий ишлайдиган ишчи-ходимлар сони, асосий ишлаб чиқариш воситалари тўғрисида маълумотларнинг ягона электрон базаси жорий этилади;
- қурилиш-пудрат ташкилотлари ишчиларини қайта тайёрлаш ва касбга ўқитиш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари, касб-хунарга эга бўлганлиги тўғрисида сертификатлар бериш кўзда тутилган [11].

Қурилиш-пудрат ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш ва қурилиш ишлари сифатини ошириш мақсадида амалдаги фаолият юритаётган қурилиш-пудрат ташкилотларининг фаолиятини баҳолаш рейтинги жорий этилишининг ижобий томонлари катта бўлиб, ўз навбатида қурилиш-пудрат ташкилотларининг маъсулиятини оширади.

Бизнинг фикримизча қурилиш соҳасида адбиркорликни барқарор ривожлантириш мақсадида кичик ва йирик бизнеснинг ўзаро самарали алоқалари механизмларини йўлга қўйиш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига бевосита таъсир кўрсатадиган турли

қурилиш-монтаж ишлари, лойиҳалаш, дизайн, маркетинг, таълим, илмий тадқиқот, юридик ва аудиторлик хизматлари, савдо, реклама каби қурилиш жараёнининг яқунланишгача бўлган барча даврларини ўз ичига олувчи субъектларнинг ўзаро ихтиёрий бирлашувини назарда тутувчи қурилиш кластерларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

**Хулоса ва таклифлар.** Бугунги кунда қурилиш соҳасида бош пудратчи ташкилотларни тендерда иштирок этишлари бўйича маълум талаблар қўйилган бўлиб, олдиндан фаолият юритаётган ташкилотларнинг тендерда ютиш эҳтимоли юқори бўлиб қолмоқда. Бизнинг фикримизча олий таълим муассаларида қурилиш соҳаси бўйича тадбиркорлик фаолиятига қизиқувчи битирувчи курс талабаларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил, 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари” тўғрисида ПҚ-3151-сон қарори доирасида қўллаб-қувватлаш, уларга ўқишлари билан бир қаторда қурилиш соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун имконият яратиш бериш талаб этилади.

Кўп ҳолларда мутахассис етишмайди деб нолиймиз. Яхши мутахассисни ташқаридан ҳеч ким олиб келиб бермайди. Уларни ўзимиз тайёрлашимиз керак. Бундан ташқари қурилиш соҳасидаги таркибий ўзгаришлар, янги иш жойларини яратишга йўналтирилган инвестициялар ҳажмини етарли эмаслиги, меҳнат ресурслари сонининг яратилаётган иш жойлари миқдорига нисбатан тезроқ ўсиши, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги номутаносиблик, маҳаллий кадрлар малакаси ва рақобатбардошлигининг пастлиги тармоқ даражасида тартибга солишнинг ижтимоий-иқтисодий механизмининг такомиллаштирини ҳамда пировардида эса оқилна иш билан бандликни таъминлашни мақсад қилиб қўяди.

Бундан ташқари ҳудудларда тоғли, чекка жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари (пудратчилар) томонидан амалга оширилаётган қурилиш-монтаж ва ободонлаштириш ишларининг норматив-меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилаётганлигини тегишли мутахассислар (архитектор, қурувчи, геодезист, сметачи ва ҳ.к.лар) томонидан ҳар томонлама ўрганиш ҳамда мазкур ишлар назоратига битирувчи курс талабаларини ҳам жалб қилиш уларни моддий-техник, консультатив билимларини янада оширишга таъсир кўрсатади.

Бизнингча, маҳаллий ҳокимликлар ва жойлардаги маъсуллар ҳудудлардаги беш юз миллион сўмгача бўлган жорий ва капитал

таъмирлаш ишларини йирик буюртмачи корхоналарга бермасдан айнан қурилиш соҳасида таълим олаётган битирувчи босқич талабаларига танлов асосда беришлари мақсадга мувофиқ. Албатта бу борада ёшларнингтадбиркорлик фаолиятларини камида уч йилгача жорий ва капитал таъмирлаш ишларидаиштирокини маҳаллий хокимликлар томонидан қўллаб-қувватлаш зарур бўлади ва ўз навбатида қурилишда юзага келаётган коррупцион ҳолатларнинг бар-

тараф этилишига ҳам эришилади. Шу вақт оралиғидақурилиш соҳасида фаолият юритаётган ёш тадбиркорлар касбий фаолиятини ривожлантириб, тажриба ва кўникмага эга бўладилар, икки уч йил оралиғида маълум баҳолаш рейтингини шакллантириб, кейинги босқичда ўзлари рақабатбардош эркин пудратчи ташкилот сифатида тендерларда иштирок этишлари мумкин бўлади.

**Манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Eurostat <http://xn--80aplem.xn--p1ai/analytics/Malyj-i-srednij-biznes-v-stranah-Evropy/>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.
3. Рўзиева Д.И Пандемия шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи инвестицион лойиҳаларнинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти. Молия ва Банк иши. № 2. 2020- 196 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий мажлисга Мурожаати 2020. 30.12).
5. Бузырев, В.В. Планирование на строительном предприятии: уч. пос.для студ. вузов / В.В. Бузырев, Ю.П. Панибратов, И.В. Федесеев - М.: Изд-во «Академия», 2005. – 332 с.
6. The Organisation for Economic Co-operation and Development 2020. – P. 20
7. <http://review.uz/ru/post/biznes/goskomstat>.
8. Ражабов Б.Маевжуд вазият ва истиқболдаги чоралар.Эксперт коронавируснинг Ўзбекистон иқтисодётига таъсири ҳақида. <https://kun.uz/news/2020/04/10>
9. Холмирзаев А. Ўзбекистон қурилиш соҳасида туб бурилишларни амалга оширмоқда. 17.12.2020 08:41
- 10.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 июлдаги “Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини жорий этиш тўғрисида”ги 566-сон. Қарор. Lex.uz.
- 11.Вазирлар маҳкамасининг 2021 йил 5 февралдаги 55-сон қарорига Илова Қурилиш соҳасида танловларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида, Вақтинчалик Низом. Lex.uz.
- 12.Ганиев К.Б., Ганиева Г.И., Бердикулов А.,Сиддиков М. Экономика и организация реконструкции при реструктуризации предприятия// Учебное пособие. Издательство Фан АН РУЗ 2010 г.